



### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 15<sup>th</sup> May 2024

Online: 16<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

Juvenile delinquency, penal institutions, child rights, declaration, convention, special international document.

## CHARACTERISTICS OF JUVENILE JUSTICE IMPLEMENTATION: INTERNATIONAL STANDARDS AND NATIONAL LEGISLATION

**Khujanov Tillabek Keldibekovich**

A graduate of the Academy of Law Enforcement

E-mail: tillabekkhojanov@gmail.com

Phone: +99.895 449-04-77

+99.890 333-62-82

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11203312>

### ABSTRACT

*This article examines international standards for the implementation of juvenile justice. Also, the first international legal sources on the rights of minors and the history of their emergence are highlighted.*

## ОСОБЕННОСТИ РЕАЛИЗАЦИИ ЮВЕНАЛЬНОЙ ЮСТИЦИИ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

**Худжанов Тиллабек Келдибекович**

Выпускник Академии правоохранительных органов.

Электронная почта: tillabekkhojanov@gmail.com

Телефон: +99.895 449-04-77

+99.890 333-62-82

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11203312>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 15<sup>th</sup> May 2024

Online: 16<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

Преступность несовершеннолетних, исправительные учреждения, права ребенка, декларация, конвенция, специальный международный документ.

### ABSTRACT

*В данной статье рассматриваются международные стандарты осуществления ювенальной юстиции. Также освещены первые международно-правовые источники по правам несовершеннолетних и история их возникновения.*

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

**Хужанов Тиллабек Келдибекович**

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти



E-mail: tillabekxojanov@gmail.com

Телефон: +99.895 449-04-77

+99.890 333-62-82

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11203312>

## ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 15<sup>th</sup> May 2024

Online: 16<sup>th</sup> May 2024

## KEYWORDS

*Вояга етмаганлар жиноятчилиги, жазони ижро этиш муассасалари, бола ҳуқуқлари, декларация, конвенция, махсус ҳалқаро ҳужжат.*

## ABSTRACT

*Мазкур мақолада вояга етмаганларни жиноятлари бўйича одил судловни амалга ошириш борасидаги ҳалқаро стандартлар ўрганилган. Шунингдек, вояга етмаганларни ҳуқуқларига оид илк ҳалқаро ҳуқуқий манбаалар ва уларни вужудга келиши тарихи ёритиб берилган.*

Вояга етмаган (бола) лар камоли, уларнинг ҳуқуқлари таъминланиши ҳалқаро ҳамжамиятнинг доим диққат эътиборида бўлиб, уларни асраш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида конвенциялар, меморандумлар, декларациялар ва келишувлар имзоланиб келинмоқда. Ушбу жараёнлар XX асрнинг биринчи чорагида яъни биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг бошланди. Жумладан, 1924 йилда Миллатлар Лигаси (1919-1920 йиллардаги Версал-Вашингтон тизими натижасида ташкил этилган ва 1946 йилга қадар фаолият кўрсатган ҳалқаро ташкилот) томонидан Бола ҳуқуқлари Женева Декларацияси қабул қилинди. Ушбу декларацияни қабул қилиниши тарихи ва заруратига қисқача назар соладиган бўлсак, биринчи жаҳон уришдан кейин болаларнинг касалланиши ва ўлими мислсиз даражада ошиб кетди. Шундан сўнг, бу муаммони ечиш учун Буюк Британиянинг «Болаларни қутқариш Британия уюшмаси» Швециянинг «Радда Барнен» жамоат бирлашмаси «Аёллар лигаси» билан бирга Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқади. Мазкур Декларацияда болаларнинг яхши ривожланиши ва яшашини таъминлашга доир нормалар ўз аксини топган бўлиб, бунда болаларнинг яшаш, илм олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш, оғир меҳнатдан ҳимоя қилиниши, қулликдан, табиий офатлардан ва уруш ҳавфидан ҳимоя қилиниш кабилар ўз аксини топган эди[1]. Ушбу ҳалқаро ҳужжат устида ишлаш ўз ниҳоясига етгач, шу даврда фаолият юритаётган ҳалқаро ташкилот ҳисобланган Миллатлар Лигасининг 1924 йилда Женева шаҳрида бўлиб ўтган 5-ассамблеясида имзоланган эди. Шу тариқа ушбу ҳалқаро ҳужжат «Бола ҳуқуқлари бўйича Женева Декларацияси» номи билан тарихга мухрланди. Шу тариқа, ушбу «Бола ҳуқуқлари бўйича Женева Декларацияси» бола ҳуқуқларига оид қабул қилинган илк ҳалқаро ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Дунё мамалакатлари ва инсоният тарихига ўзининг улкан салбий таъсирини кўрсатган 2-жаҳон уруши тугагандан сўнг, жаҳон ҳамжамияти инсон қадрини ва унинг ҳуқуқ ва эркинлари масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Жумладан, 1948 йилдаги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатилиш объекти бўлиши кераклиги таъкидланди. Натижада,



1959 йилда БМТ томонидан Бола ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. Ушбу декларацияда бола ҳуқуқлари ва унинг энг яхши манфаатларига хизмат қилувчи жуда кўп нормаларни ўз ичига олиш билан бирга болаларни миллий ва ҳалқаро даражада ҳимоя қилиниши ҳамда уларни фаровонлигини таъминлашга, жамиятнинг барча қатламини, жумладан ота-оналар, жисмоний шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятлар ва давлат бошқарув органларини декларацияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинларни тан олиш, ҳурмат қилишга чақирди.

Ушбу ҳалқаро ҳужжат ҳисобланган Бола ҳуқуқлари декларациясида боланинг ҳаёти, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқ ва эркинларига оид барча жиҳатларни қамраб олган бўлса-да, мазкур норма талабларини таъминланиши борасидаги масалалар оғирлигича қолаверди. Бизнинг фикримизча ушбу ҳолат келиб чиқишига сабаблардан бири сифатида мазкур ҳалқаро ҳужжатни Декларация сифатида қабул қилинганлиги деб ҳисоблаймиз. Чунки бизга маълумки, Ҳалқаро ҳуқуқ тизимидан маълумки, «Декларация» асосий тамойиллар ва дастурий қоидаларни ўз ичига олган тавсиявий ҳарактерга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Ўз навбатида эса, конвенция- унга қўшилган давлатлар учун махсус масала бўйича мажбурий ҳарактерга эга ҳисобланади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг кейинги босқичи бошланишини эса бевосита Польша давлати жамоатчилигининг саъйи-ҳаракатлари билан боғласак муболаға бўлмайди. 1970 йилларнинг 2-ярмида Польша жамоатчилари «Бола ҳуқуқлари бўйича Женева Декларацияси»даги тамойиллар давлатларнинг миллий қонунчилигига сингдирилмаганлиги, бу эса бола ҳуқуқларини таъминлашдаги муаммолар сақланиб қолаётганлиги сабабли, бола ҳуқуқларига оид қоидаларга ҳалқаро мақом бериш кераклиги ҳақидаги масалани кўтаради. Шундан сўнг, БМТ Бош Ассамблеясида бу масалада тахминан бир йил музокаралар олиб борилади ва музокаралар натижасига кўра, Бош Ассамблея томонидан ўқиб эшитирилган маърузада ижтимоий муносабатларнинг кўпол равишда бузилаётгани, болалар ўлими кескин ошиб кетгани, болалар соғлиги масаласига етарлича эътибор берилмаётгани, уларнинг илм олишига етарли имкониятлар яратиб берилмаётгани борасидаги жиддий масалалар баён этилади. Бундан ташқари, болаларга нисбатан жинсий зўровонлик каби жиноятлар содир этилаётганлиги, оғир ва зарарли шароитларда меҳнат қилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам очиқланади. Мавжуд муаммоларни ечиш учун Польшанинг таклифини кўриб чиққан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси томонидан 1979 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ишлаб чиқиш учун Ишчи гуруҳ тайинлайди. Ишчи гуруҳ қабул қилинадиган Конвенция устида тўлиқ 10 йил иш олиб боради ва ниҳоят 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25-сон резолюцияси билан қабул қилинади.

Юқорида кўриб ўтган декларация ва конвенциялар бола ҳуқуқларини тартибга солишга қаратилган махсус ҳалқаро ҳужжатлар ҳисобланиб, БМТнинг универсал стандартлари деб номланувчи бошқа декларация ва конвенцияларида бола ҳуқуқларига оид бир қанча нормалар ўз аксини топган. Жумладан, БМТнинг ихтисослашган органлари томонидан ҳам бир қанча ҳалқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Биз қуйида бола ҳуқуқларига оид нормалари ўз аксини топган БМТнинг



универсал стандартлари ва ихтисослашган органлари томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларини кўриб чиқамиз. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби универсал ҳужжатларда қайд этилган ҳуқуқлар барча каби болаларга ҳам тааллуқлидир. Декларация ва пактларда бола ҳуқуқлари ва манфаатларига бевосита таллуқли бўлган қоидалар сифатида: болаларни тенглиги тамойили, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болаларни эксплуатация қилиш, болаларни таълим олиш ҳуқуқи кабилар шакллантирилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 10-моддаси 3-бандида “маҳбусларга мўлжалланган пенитенциар тизимдан мақсад уларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялашдир. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар вояга етган ҳуқуқбузарлардан ажратиб қўйилади ва уларнинг ёши ҳамда ҳуқуқий мақомига жавоб берувчи режим белгиланиши[2], 14-модда 4-бандида “вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, токи бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш мақбуллиги инобатга олинсин[2], 24-моддасида эса “ҳар бир бола ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилиши (насли-насаби)дан қатъи назар ҳеч бир камситишсиз гўдаклиги сабабли оила, жамият ва давлат томонидан муҳофаза чоралари кўрилиши ҳуқуқига эга[2]” эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 10-модда 3-бандида “барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавfli соҳаларда ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат шундай ёш чегарасини белгилаб қўйиши керакки, шу чегарадан қуйи ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланиш тақиқданиши ва қонун билан жазоланиши керак[3]” эканлиги белгилаб қўйилган.

БМТнинг ихтисослашган органи ҳисобланган ЮНЕСКОнинг 14.12.1960 йилдаги “Таълим соҳасида камситишга қарши курашиш тўғрисида”ги конвенциянинг 5-моддаси 1-банди б-кичик бандида “ота-оналар ва зарур ҳолатларда, ҳуқуқий васийлар, биринчидан, ўз фарзандларини нафақат давлат таълим муассасаларига, балки ҳар бир Давлат қонун ҳужжатларида белгиланган чегаралар доирасида, ваколатли таълим органлари томонидан расмийлаштирилган ёки тасдиқланган минимал талабларга жавоб берадиган нодавлат таълим муассасаларига эркин юбориши ва иккинчидан, ўз эътиқодига мувофиқ болаларни диний ва ахлоқий тарбия билан таъминлаши лозим[4]” эканлиги, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 1973 йилда қабул қилинган ва 1976 йилда кучга кирган “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида”ги №138-сон конвенцияси 1-моддасида “ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, болалар меҳнатини батамом бекор қилишни таъминлашга йўналтирилган ва ишлашга ёки ёлланишга руҳсат этилган энг кичик



ёшни ўсмирларнинг тўла жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олишлиги[5]” лозимлиги, 17.06.1999 йилда қабул қилинган “Болалар маҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги № 182-сон конвенциясининг умумий қоидаларида, 1 ва 3-моддаларида “Конвенция мақсадлари учун “болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари сифатида”, қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиёт, масалан, болаларни сотиш ва уларнинг траффики, қарз асосидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалардан қуроли мижроларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбурлаб жалб қилиш; фоҳишабозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш; қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш учун, хусусан, тегишли халқаро шартномаларда белгилангани каби, наркотиклар тайёрлаш ва сотиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш; бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар таъқиқланишлиги[6]” қайд этилган. Шунингдек, бола ҳуқуқларига оид нормалар БМТнинг бошқа бир қатор халқаро ҳужжатларида ва ихтисослашган органларининг протокол ва декларацияларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, 12.08.1949 йилда қабул қилинган “Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенция (IV – Женева конвенцияси)[7] ва Женева конвенцияларига 1977 йилдаги I-II Қўшимча протоколларда болаларга ҳарбий ҳаракатлар оқибатларидан махсус ҳимоя тақдим этишни назарда тутди. Бундан ташқари, БМТнинг муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи) қамраб олувчи универсал ҳужжатларида ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар ўз аксини топган. Яъни, Халқаро фарзандликка олиш соҳасида болаларни ҳимоя қилишга оид 33-сонли Гаага конвенцияси; БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги конвенциясига- Инсонлар, хусусан аёллар, болалар траффикини олдини олиш, таъқиқлаш ва жазолашга доир Палермо протоколи шулар жумласидандир.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстицияга оид ҳужжатлари ҳам борки буларни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Қўйида бу турдаги халқаро ҳужжатлар хусусида тўхталамиз. Биринчиси- 1985 йилда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” бўлиб, баъзан “Пекин қоидалари” деб ҳам юритиладиган бу ҳужжатдаги қоидалар жинсий жавобгарликнинг энг ёш чегараси, вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш мақсади, вояга етмаганларга нисбатан самарали, адолатли ва мурувватли одил судловни амалга оширишнинг хусусиятлари ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлланилиши лозим бўлган принциплар каби масалаларга дахлдордир. Бу қоидалар вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишга тааллуқли масалаларни, шу жумладан уларни судга қадар қамоқда сақлаш масаласини ҳам қамраб олади. Мазкур ҳужжатда вояга етмаган шахсларни жазони ижро этиш муассасаларига юборишни



назарда тутувчи чоралардан имкон қадар камроқ фойдаланиш тавсия этилган. Ушбу стандарт қоидаларда жазони ижро этиш муассасаларига жойланган вояга етмаган ҳуқуқбузарларни ҳимоя этилишини таъминлайдиган нормалар ҳам мавжуд. Шунингдек, ушбу ҳужжатда “балоғатга етмаган болаларга нисбатан судлов ҳаракатлари барча балоғатга етмаган болалар учун ҳар томонлама ижтимоий адолатни таъминлаш ва айнаи чоғда шу йўл билан ёшларни ҳимоялаш ва жамиятда тинчлик-осойишталикни сақлаб туриш доирасида ҳар бир мамлакат миллий тараққиёти жараёнининг узвий қисмига айланиши зарурлиги, бу ҳар бир аъзо давлатнинг мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши, балоғатга етмаганларга нисбатан одил судлов ҳаракатлари билан шуғулланувчи хизмат ходимларини малакасини, уларни иш услуги, ёндашуви ҳамда тажрибасини ошириш ва етарли даражада сақлаб туриш мақсадида ана шу хизматларни мунтазам равишда ривожлантириб ва мувофиқлаштириб бориш зарурлиги, балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларининг асосий процессуал кафолатлари, хусусан, айбсизлик презумпцияси, айб қўйилганлик ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқи, адвокат олиш ҳуқуқи, ота-она ёки васийнинг ҳозир бўлиши ҳуқуқи, гувоҳлар билан юзлашиш ва уларни икки ёқлама терговда бўлиш ҳуқуқи, юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи судлов ҳаракатларининг барча босқичларида кафолатланган бўлиши зарурлиги[8]” қайд этилган.

Иккинчиси- 1990 йилда қабул қилинган “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (Токио қоидалари) да белгиланган қоидалар ва ундан кўзланган мақсад, “иштирокчи давлатлар ўз умумий манфаатларига мувофиқ ҳолда балоғатга етмаган ўғил ёки қиз бола ва унинг оиласи фаровонлигига кўмаклашиш учун интилиши зарурлиги, аъзо давлатлар ўсмирни жамиятда мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлаш имконини берувчи шарт-шароитларни яратишга интилиши кераклиги, ҳаётининг айнаи шу даврида ножоиз ҳулққа кўпроқ мойиллиги бўлган ўғил ёки қиз боланинг имкон қадар жиноят содир ва ҳуқуқбузарликларни содир этиш эҳтимолидан ҳоли шахс сифатида камол топиши ва таълим олиши билан боғлиқ жараёнда бундай саъи-ҳаракатнинг фойдаси тегишлиги, имкон қадар мавжуд барча захираларни, шу жумладан, оила, кўнгиллилар ва жамиятнинг бошқа гуруҳларини, шунингдек мактаблар ва шу каби бир қатор ижтимоий институтларни тўла жалб этган ҳолда ўсмирнинг фаровонлигига кўмаклашиш ҳамда шу билан унинг ҳаётига қонун томонидан аралашув заруриятини камайтириш, қонун билан зиддиятда бўлган ўсмирга самарали, адолатли ва инсоний муомала қилиниши таъминлаш мақсадаларини кўзда тутувчи мақбул чораларни қўллашга етарлича эътибор қаратилиши лозимлиги[9]” қайд этилган.

Учинчиси- 1990 йилда қабул қилинган “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурий принциплари) бўлиб, мазкур ҳужжатда асосий принциплар, дастурий принципларнинг қўлланиш доираси жиноятчиликнинг олдини олишининг умумий йўналишлари, жамият ҳаётига тайёрлаш жараёнлари, ижтимоий сиёсат, қонунчилик ва балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритиш, тадқиқотлар, сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги асосий қоидалар ўз аксини топган.



Шу билан бирга ушбу дастурий принципларда- “вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олишдаги энг муҳим шартлари уларни қонуний, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этиб ва жамият ҳамда ҳаётга нисбатан инсонпарвар қарашларни хосил қилган ҳолда, жиноий фаолиятга йўл қўймайдиган тамойиллар асосида тарбияланиши эканлиги ҳисобланиб, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олиш самарали бўлиши учун ўсмирларнинг комил инсон бўлиб етишишлари, уларнинг шахсига ҳурмат ва болаликдан бошлаб уларнинг ривожланишини қўллаб қувватлаш мақсадида бутун жамиятнинг сайи-ҳаракатлари зарур эканлиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур раҳбарий принципларни шарҳлаш мақсадини кўзлаб, болалар эҳтиёжларига эътибор қаратилиши кераклиги, ёшлар жамиятда фаол иштирок этишлари ва тўлақонли иштирокчилари бўлишлари лозимлиги ва аксинча, жамият ҳаётига тайёргарлик қўрувчи ёки назорат объекти сифатида қаралмаслиги кераклиги, ушбу раҳбарий принципларни амалга оширишни кўзлаб, миллий ҳуқуқий тизимларга мувофиқ равишда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ҳар қандай дастурнинг диққат маркази ёшларни эрта болаликдан бошлаб фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ривожланиб боровчи сиёсатни амалга ошириш ва мунтазам равишда таҳлил этиб бориш ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим ва зарурлигини эътироф этиш кераклиги, шу билан бирга, болани ўз-ўзига ёки бошқаларга жиддий зиён етказмайдиган ҳатти-ҳаракати учун жазолашдан қочиш кераклиги, бундай сиёсат ва чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутиши лозимлиги яъни, имкониятлар яратиш, хусусан таълим олиш соҳасида имкониятларни яратиш, ёшларни турли эҳтиёжларини қондириш ҳамда барча ёшларнинг камол камол топтиришда ва айниқса ҳавф остида турувчи ёки ижтимоий ҳавфли ҳолатга келиб қолган ҳамда алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш; вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни келиб чиқишига олиб келувчи сабаб ва шарт шароитларни олдини олишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш, бу тоифадаги шахсларни жиноятчилигини олдини олишга қаратилган махсус назариялар ва асосли ёндашувлар асосида чора-тадбирлар белгилаш, биринчи навбатда вояга етмаганнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолатга асосланиб ва холис тарзда расмий органларнинг аралашуви; барча ёшларнинг бахт-саодати, ривожланиши ва манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг умумий ижтимоий меъёр ва қадриятларга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари кўпинча вояга етиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб қоидага кўра, улар катта бўлган сайин ўз-ўзини англаб боришини инobatга олиш; кўпчилик экспертларнинг фикрича вояга етмаган шахсга “бузғунчи”, “бузар” ёки “ёш жиноятчи” тамғасини босиш, уларда номақбул хатти-ҳаракатларнинг ривож топишига асос бўлишлиги[10] баён этилган. Бундан ташқари, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликни олдини олиш учун, айниқса ҳали ҳеч қандай муассасалар ташкил этилмаган ҳудудларда жамоавий хизматлар ва дастурларни ишлаб чиқиш лозимлиги, ижтимоий назоратни амалга оширувчи расмий муассасалар хизматидан фақатгина сўнгги чора сифатида фойдаланиш кераклиги тавсия этилиб, бу тоифадаги ҳужжатлар ювенал юстиция соҳасидаги халқаро стандартларнинг асоси бўлиб хизмат қилишлигини эътироф этиш жоиз. Яъни ювенал юстиция соҳасидаги



халқаро стандартлар- балоғатга етмаган бола тўғрисида, у содир этган бузарликлар тўғрисида, унинг жиноий ва бошқа хил юридик жавобгарлиги, давлатнинг бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жазолаш ёки шу каби мажбурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш кўрнишидаги муносабати ва ниҳоят, жиноий юстиция таъсир доирасига тушиб қолган балоғатга етмаган бола ҳуқуқлари, эркиликлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш концепциясининг асосий меъёрлари тўғрисидаги юридик доктринанинг асосий қоидаларини ташкил этади.

Халқаро ҳужжатлардаги ва ривожланган давлатларнинг миллий қонунчилигидаги ушбу нормалар вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов тизими биринчи навбатда балоғатга етмаган боланинг фаровонлигини таъминлашга ва балоғатга етмаган ҳуқуқбузар болаларга нисбатан ҳар қандай таъсир чоралари ҳар доим ҳуқуқбузар шахсининг ўзига хос жиҳатлари билан бир қаторда ҳуқуқбузарлик шарт-шароитига ҳам мутаносиб бўлишини таъминлашга йўналтирилган.

Юқорида баён этилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, халқаро стандартларнинг аксарият қисми миллий жиноят-процессуал қонунчиликка имплементация қилинган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишни тартибга солувчи комплекс қоидаларни назарда тутди. Бунда халқаро стандартларда белгилангани каби вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш муайян маънода дифференциялашган шаклга эга, ушбу тоифа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишининг қўшимча кафолатлари яратилган. Ушбу комплекс нормалар вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича иш юритувда юқори юридик ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

## References:

1. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Millatlar\\_ligasi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Millatlar_ligasi).
2. «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт. (lex.uz)
3. «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт. (lex.uz)
4. 14.12.1960 йил «Таълим соҳасида камситишга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция. (lex.uz)
5. ХМТнинг «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида»ги №138 конвенцияси (Женева, 1973 йил 26 июнь, ХМТ Бош конференциясининг 58-сессиясида қабул қилинган, ЎЗР 04.04.2008 й. ЎРҚ-140-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган) (lex.uz)
6. ХМТнинг 17.06.1999 йилда қабул қилинган «Болалар маҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида»ги № 182-сон конвенцияси Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сонли «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонуни билан ратификация қилинган. (lex.uz).
7. БМТнинг 12.08.1949 йилдаги «Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенция. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон



Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946-XII-сонли «Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига ҳамда халқаро тусдаги ва халқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларига доир қўшимча протоколларга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган.

8. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/33-қарори билан қабул қилинган, “Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” (“Пекин қоидалари”).

9. БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги 45/110-қарори билан қабул қилинган, “Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари” (Токио қоидалари).

10. Ар-Риёд дастурий принциплари, БМТ БА Резолюциси 45/112, 1990 йил.